



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Қутадғу
билиг



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

**Қ У Т А Д Ё У
Б И Л И Г**

(Билим саодати)

“Yangi asr avlodi”
Тошкент - 2019 йил

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84 (5Ў)1
Ҳ-59

Хос Ҳожиб, Юсуф

ҚУТАДҒУ БИЛИҒ: (Билим саодати)/ Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев таъдрили. Масъул муҳаррир Манзар Абдулхайр – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019, -634 бет.

ISBN – 978-9943-20-562-8

Улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб таваллудига 1000 йил тўлди. Барча туркий халқлар қатори ўзбек халқи учун ҳам беқиёс аҳамиятга молик “Қутадғу билиғ” достони яратилганига эса бу йил 950 йил тўлди. Уўбу йирик сана ЮНЕСКО қарори билан бутун дунёда кенг нишонламоқда.

Азиз китобхон! Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мазкур дoston таъдрили олдинги нашрлардан фарқ қилиб, тўрт юздан зиёд янги топилган мисралар билан тўлдирилган. Бу эзгу иш “Қутадғу билиғ” дostonидан кенг китобхонлар оммаси яқиндан баҳраманд бўлишига, қолаверса халқимиз маънавияти янада юксалишига қаратилгани билан эътиборга моликдир.

**Масъул муҳаррир
Манзар АБУЛХАЙР**

Абдуҳамид Пардаев таъдрили

ISBN – 978-9943-20-562-8

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ, “ҚУТАДҒУ БИЛИҒ”, Янги аср авлоди, 2019

Юсуф Хос Ҳожиб таваллудининг
1000 йиллигига бағишланади.

ТУРКИЙ ДОСТОНЛАР БОБОЧИНОРИ

*Улусга ёзду-нур сочар нома бу,
Соҳиби тахт учун зафарнома бу.*

“Қутадғу билиг”.

Қадимий мозий маданият насиб этган бахтиёр халқлардан бир бизнинг улуғ ота-боболаримиз туркийлардир. Кул Тегин, билга Қоон, Тун Юқуқ ёдгорликлар тош устунларини кўрган ва “Қутадғу билиг”ни мутолаа этган жаҳон олимлари, албатта бу азалий ҳақиқатга тан берадилар.

Форслар “Шохнома”си Абдулқосим Фирдавсийдай улкан шоир номи билан бошланса, Туркийлар “Шохнома”си забардаст битикчи Юсуф Хос Ҳожиб номи билан очилади. “Билим саодати” ёки “Бахт келтирувчи билим” китоби яратилган асридаёқ оламнинг турли томонига тарқалган ва туркийлар дунёсининг шоҳ асари сифатида қатор хорижий мамлакатларда турли номлар билан шуҳрат қозонган:

Қай бир жой – кент-овул, шаҳру қасрда,
Китоб номи турфа айни асрда.

Олам улусларин ҳакимлари хос,
Атар элин азал удумига мос.

“Адаб ул-мулук”¹ дер уни аҳли Чин,
“Ойин ул-мамолик”² мочинлик учун.

¹ “Адаб ул-мулук” – Ҳукмдорлар одоби.

² “Ойин ул-мамолик” – Мамлакат тараққиётининг низоми.

Машриқ улуғлари айлағай хитоб,
“Зийнат ул-умаро”¹ – бебаҳо китоб!

“Шоҳномаи турки”² дер аҳли Эрон,
“Қутадғу билиг” дер бор аҳли Турон.

Ўзбек тилининг боқийлиги нуқтаи назаридан талқин қилганда, тўла қонли ҳаёт кечириши учун дастлабки сарчашмаси қанчалар зарурлиги ойдинлашади. Бинобарин, “Қутадғу билиг”да илгари сурилган ғояларни теран англаш учун унинг табдилу таржимаси сув ва ҳаводай зарур. Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, Юсуф Хос Ҳожиб бизларга қарата шундай мурожаат қилаётгандай: “Мен вақт ичида минг йиллар орқада қоламану, лекин сизнинг келажагингизга айланаман”.

Миллий давлатчилигимизнинг қайта тикланиши билан келажакка ўзгача ишонч билан қарай бошладик. Бу ишончимиз янада мустаҳкам бўлиши учун тарихга мурожаат қилишимиз табиий. Тарихда буюк давлатлар барпо этиш ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган. Бинобарин, жаҳонгир халқларни ҳам бир неча тоифага бўлиш мумкин. Ижодкор жаҳонгир халқларнинг, ёхуд башарият тамаддуни тарихга салмоқли улуш қўшган бунёдкор зобит улуслар сафида туркий халқлар ҳам борлиги билан фахрланамиз. Туркий халқларнинг жаҳоний ҳукмронлиги бир неча марта, хусусан қорахонийлар ва темурийлар, қолаверса бобурийлар даврида ҳам давом этган. Ва бу жаҳонгирлик башарият тамаддуни ривожига қўшган беназир ҳиссаси билан алоҳида аҳамиятга молик.

“Қутадғу билиг” қорахонийлар давридан мерос қолган, ўша даврнинг тарихда ва инсоният тамаддуни равнақида тутган аҳамиятини ҳаммиша ёдимизга соладиган, фақат буюк салтанатлар даврида яратилиши мумкин бўлган асар сифатида ҳам қимматли. Ҳомер юнонларнинг зафарли юришларини боқий дostonларида

¹ “Зийнат ул-умаро” – Амалдорлар зийнати ёки дастри.

² “Шоҳномаи турки” – Туркий “Шоҳнома”.

куйлагандек, Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида туркий халқларга хос донишмандлик хислатларини акс эттиради. Тафаккурга ихлосманд халқлар хос мушоҳадагўйлик қон-қонимизга сингиб кетгани айтиш шохона асар мазмун-моҳиятида ўз ифодасини топган.

Қорахонийлар салтанати дунёнинг ярмини эгаллаши баробарида “инсон қандай муносиб ҳаёт кечириши керак?”, “бу борада қандай тамойилларга амал қилиши лозим?”, “Башарий саодат негизи қандай қоидаларга бориб тақалади?”, “Адолатли салтанат қонидаси борми?” сингари жаҳоншумул масалалар устида ҳам баҳс-мунозаралар юритганига “Қутадғу билиг” мисолида ишонч ҳосил қиламиз. Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб феноменини Ҳомер, Фирдавсий, Данте, Навоий, Шекспир, Гёте, Толстой сингари даҳоларга нисбатан ўрганиш зарур.

“Қутадғу билиг” нафақат дидактик асар. Қолаверса, “Шохнома” сингари жангнома ҳам эмас. Бу росмана давлат низоми вазифасини бажарадиган қомусий асар. Давлатчилик қонун-қоидаларини белгилаб беради. Бинобарин, филология фанлари доктори Қосимжон Содиқов таъкидлагандек, “Юсуф Хос Ҳожиб давлатнинг куч-қудратини, гуллаб-яшнашини, эзгуликни, кишининг бахту саодатини адолат, ақл-заковат ҳамда қаноат бирлигида деб билади.

Муаллиф тенглик, адолат тўғрисидаги қарашларини Кунтуғди тилидан беради. Унинг уқтиришича, тўғрилиқ (адолат) олдида ҳамма баробар. Кунтуғди Хоқон тилидан буни шундай таърифлайди:

Кўнилик узала кесан-мен ишиг,
Адирмас-ма бегсиг йа кулсиг кишиг.

(Шиорим адолат, кўнглинг бўлсин тўқ,
Шоҳ билан гадо мен учун фарқи йўқ.)

Адиб сиёсатни, давлат қонунларини юқори тутди. Қонун ва интизом остида мамлакат обод, халқ эмин-эркин яшайди, деган ғояни кўллаб-қувватлайди. У ўтмиш адиб ва мутафаккирлари

орасида биринчилардан бўлиб давлат ва жамият бошқарувининг демократик асосларини, тенглик принципларини ишлаб чикди, ўз даври давлат бошқарувининг йўл-йўриқларини, тўру тузукларини яратди. Бинобарин, “Қудатғу билиг” давлат низоми даражасига кўтарилган асар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб кишилик маънавияти тарихида биринчилардан бўлиб «комил инсон» тушунчасини кўтариб чикди. У “комил инсон”ни *тугал эр* деб атаган. Мутафаккир кишининг маънавий юксалишида икки босқични ажратади: биринчиси - балоғат; бунга ихлос қилса, ҳар бир билимли, уқушли кимса эришуви мумкин. Киши камолотининг иккинчи босқичи тугалликдир. Унга ҳар кимсанинг етишуви мушкул. Адибнинг таъкидлашича, тугал эрда икки сифат уйғунлашмоғи керак: бири – билим; иккинчи - уқуш (заковат)”¹.

Адабиёт – шарқда “адаб”, “одоб” сўзнининг кўплиги таъносидаги истилоқ бўлса, ғарбда адабиётнинг жанрлари поэзия истилоҳида юритилган. Поэзия тушун-часи юнон фоншаларини ҳам, “Одиссея” ва “Илиада” дostonларини ҳам, ўилаб жанрлар талқиндаги шеъриятни ҳам қамраб оладиган истилоҳдир.

Шарқ адабиётидаги дostonчилик ва шеъриятда адаб-ахлоқ-одобга тегишли мавзулар, Ғарб адабиётида эса воқеа-ходисалар чигалингига асос-ланган жозиб композиция устунлик қилади. Инсониятга хос бўлган жасурлик, синчилик, қаҳрамонлик, муҳаббат, фожиавийлик, қўшиқчилик, илоҳпарастлик, ақидапарастликда шарқу ғарбни фарқ этиш мушкул. Аммо мумтоз адабиёт лоғидоси ва тараққийсида шарқда аллоҳий талқинлар кучли бўлса, ғарбда воқеалар тизими ва ички мурақаблигига эътибор кўпроқдир.

Аслида поэзия тараққиётининг чўққиси – интеллектуаллик эканлиги барча адабиётлар тарихида ўз аксини топа олган. Форс адабиёти “Шоҳнома” – жанговарлиги, жанг – жадаллар, муҳаббат – садоқат, хиёнат, разолатлар уммонидан иш бошлаган. Ҳофиз шеъриятида булбуллардай хонишга берилган бўлса, “Гулистон” ва

¹ “O’zAS”, 2010 йил, 10 декабрь, 50-сон.

“Бўстон” насихатномалари Саъдийга Шарқ ахлоқи отаси унвонини олиб берди; Барибир бой адабиёт хадди аълосида Абдумаоний Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ахлоқию жаҳоний фалсифаси қадар юксалди. Кечагина трактор тр-трини шеърнинг бош мавзуи қилаёзган ўзбек шўролар шеърията юксала-юксала Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов жўшқин ижтимоий лирикасидан Рауф Парфининг теран интеллектуал шеъриятигача ўсди.

Агар бугунги жаҳон жанг ускунасидаги чўкки атом ва водород бомбаси бўлса, инсониятининг ўзаро алоқасидаги мобиллик хадди аълосига телефон ва телевизор орқали етган бўлса, ракета ва автомобил суръатида мислсизлик ҳукм сураётган бўлса, бу тезкор ва шошқалоқ жаҳонда барибир асосий ҳаёт-мамот масаласи – ахлоқ-одоб тобора тараққиётдан орқада қолиб кетмоқда.

Ҳолбуки, бу дунёдаги жамиятни яратувчи омил – инсониятнинг ахлоқ-одоби, кишиларнинг ва миллатларнинг ўзаро муомала, алоқа маданиятидир.

Туркий тилдаги адабиётнинг чўнг даҳоси Алишер Навоий жаҳоннинг бутун барча бойлиги инсоннинг бир томчи қопи тўкилишига аризмайди, дея инсон шарафини арши аълога етказди. Фотиҳ шоҳ-султонлар замони фарзанди бўлатуриб очикчасига жанг – башарият фожисаси эканлигани уқтирди:

Шаҳки юрт очмоқни қилса насақ,
Юз туман қон тўқар бари ноҳақ!

Шоҳ юрт олишга киришса, сон-саноксиз кишиларнинг қони ноҳақ тўкилади! – дея огоҳлантирди Бу улкан инсонгарварлик – гуманистик чўққиларга бошқа адабиётлар санъаткорлари ета олганлармикан? Шунинг учун ҳам биз бугун “Хамса” сингари жаҳоний Тоғ Маҳалларга тамал тоши бўлган “Қутадғу билиг”ка яна мурожаат этамиз: уни қайта-қайта нашру, такрор-такрор таржимаю табдил қилиш билан дostonдаги ахлоқий-маънавий сир-синаотлар жавоҳирларини излаймиз.

Инсон таваллуд топиб, вояга ета боргани сари, қайси босқичда бўлмасин, гўё у дунёнинг барча сир-синоатларини биладигандай, ақлу ахлоку одоб унинг шахсида етарли-ортарли даражада мавжуддай туюлаверади.

Агар шундай бўлмаса-ю, инсон ўз билими озлиги, ахлоқий кашшоқлигини ёшлигидан билганда эди, у умрбод ахлоқий – таълимот китобларни ўқиш билан ботиний оламини беаган бўларди ва кўп ўтмай Ҳазрат Навоий айтган ахлоқ жаннатига кирган бўларди.

Аршпарвоз ўлди кирган жанати ахлоқ аро,
Эй хуш улким, топти ул хушхўйлуқнинг учмоғин.

(Ахлоқ жаннатига кирган одам Аршга ета олди. Хушхўйлик жаннатини топган кишига қандай яхшия!)

“Қутадғу билиг”дай ажойиб китобни яратган Юсуф исмли кишининг зод-буди-туғилиб ўсган маскани қадимий Болосоғун шаҳридир.

“Қутадғу билиг” муаллифи дostonда ўз она шаҳри Болосоғун эканлигини қайд этган:

Куз ўрду¹ ўлкаси аслида эли,
Насаби-наслин ҳам куйлагай тили.

Профессор Бокижон Тўхлиев ёзади: “Куз Ўрду туркийлар истиқомат қиладиган қадимий шаҳарлардан бири. У Болосоғун номи билан машҳур бўлган. (Болосоғун шаҳрининг бошқа номи, шоирнинг ватани. Мазкур шаҳар ҳозирги Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳрининг ғарбида бўлган.) Бу шаҳар XI асрда яратилган яна бир муҳташам обида – Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида бир неча марта тилга олинади. Жумладан,

¹ Куз ўрду – Болосоғун шаҳрининг бошқа номи, шоирнинг ватани. Мазкур шаҳар ҳозирги Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳрининг ғарбида бўлган.

бу шаҳарнинг арғун лаҳжасида Қуз Улус, ўғуз лаҳжасида Қуз Урду деб юритилишини Маҳмуд Кошғарий махсус қайд этади”¹.

X-XI асрларда шарқшуносликда ҳали ҳар томонлама тадқиқ этилиб улгурилмаган Болосоғун, Самарқанд, Нишопур сингари илк Уйғониш даври маданиятининг мозий ўчоқлари борки, уларни юзага чиқариш вақти аллақачон етгандир. Чунки бу шаҳарларнинг ҳар бирида илм-фан ва санъат, дин илмига доир юзлаб шоир адиб, олиму уламолар етишиб чиққандир.

Ҳали XVI асрдаёқ буни сезган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ўзининг Кашмирда – Сринагар шаҳрида ёзилган “Тарихи Рашидий” асаридаёқ қайд этадики:

“Китобларда бир қатор шаҳарлар тилга олинади ва муфассал таърифланади. Шулардан бири Болосоғундир. “Сувар ул-ақолим” (Қитъалар сувратлари) китобида Хитой шаҳарларидан Хонбалиқ, Мўғулистон ва Қорахитойдан ана шу Болосоғун тилга олинади. Мўътабар тарихий китобларда ёзишларича, Болосоғун Афросиёб (Али Эр Тўнга) томонидан қурилган шаҳарлар сирасига кираркан, ўша китобларда бу шаҳарни жуда мақташган... Мўғуллар Болосоғунни Қозболиқ дейишади. Қалмоқлар ҳозир уни Қойнук дейишади. Қозболиқни айрим китобларда Қиёлиқ деб ёзишган. “Суроҳ ул-луғат” (тилнинг аниқлиги) китобининг муаллифи “Мулҳақат ул-суроҳ” (тилнинг луғати)да... ҳар бир шаҳардаги олиму фозилларнинг номларини келтирган. Самарқандлик ўнга яқин олимларнинг исми шарифи берилади, Болосоғунлик улуг инсонлар ҳамда олимлардан шунчалик кўп кишини санаб, улар ҳақидаги ҳикояларни келтирадики, шунча олим бир вақтда, битта шаҳарда яшаганига ақл бовар қилмайди”².

Юсуф исмли бўлғуси Хос Ҳожиб ана шундай адабиёт ва маданият гуллаб яшнаган шаҳарда 1018/19 йили дунёга келган. У шу шаҳарда савод чиқарган ва камолга етган.

¹ Боқижон Тўхлиев, “Адабиёт”, “Ўқитувчи” нашриёти, Т., 2002, 112-бет.

² Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, “Тарихи Рашидий”, Т., ”Шарқ”, 2010, 507-508-бетлар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4696> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4696> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти
на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4696>